

13. Тан Хайпин. Свободные экономические зоны в экономике КНР. Дисс. К.э.н. (МГУ) 1998г. 173с.
14. Теперман В. Свободные экономические зоны Панамы: палитра возможностей //Ж: Экономика и жизнь. - 1997г. № 5. 40с.
15. Хамроев Х.Р. Зональная политика: анализ опыта Китая. Двадцатые международные Плехановские чтения. Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях. Тезисы докладов. Москва. 2007г. 217-218.
16. Хамроев Х.Р. Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва кўллаш йўналишлари. Монография. Тошкент. "Фан" нашриёти. 2008й. 352 бет.
17. Хамроев Х.Р. Модели зональной политики. Экономика и финансы. Журнал. № 4(143). 2008. 48-50.
18. Хамроев Х.Р. Концепция зональной политики Узбекистана. Федерация. Журнал. №3(46). 2008.43-47.
19. Хамроев Х.Р. Анализ особенностей зональной политики стран мира Экономика и финансы. Журнал. № 12(151). 2008. 12-16.
20. Хамроев Х.Р., Исомов Б.С. Вопросы развития туризма в регионе и зональная политика. Монография. – Москва: РУСАЙНС, 2020. – 156с.
21. Яскина Г.С., Аносова Л.А. Сямень: Особая экономическая зона КНР (становление, развитие, управление) /под ред. Титаренко М.Л., РАН, Отделение экономики. – СПб. 1995г. 44с.
22. Ротбард М. Власть и рынок. Государства и экономика. Челябинск. "Социум", 2003. / пер.с англ. Б.С. Пинкера, под. ред. Г.Р. Сапова. 415с.
23. Хайек Ф. Частные деньги /пер. с англ. Б. Верпаховский. Институт Национальной Модели Экономики. М. 1996. 101с.
24. Н.Намраев [Transition economies need special policies-liberalization policies](#). Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования. II Международная научно-практическая интернет-конференция. с.Солёное Займище, 2017. С.1877-1881.
25. Н Намраев [Conception of zonal policy for Uzbekistan](#). Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования. II Международная научно-практическая интернет-конференция. с.Солёное Займище, 2017. с.185-190.

UDK:338.48

*Равшан Алиевич Аллаёров***Самарқанд иқтисодий ва сервис институти таянч докторанти,  
ravshanallayorov67@gmail.com**

## **ТУРИСТИК ХУДУД РЕСУРС САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннотация:** Мақолада туристик ҳудуд ресурс салоҳиятини баҳолашнинг методик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан ҳудудий туризм статистикаси бўйича юритиладиган методологик ёндашувлар ва маълумотларга асосланиб, ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичини аниқлашда ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичи, ҳудуднинг табиий-иқлимий шароитлари, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги, ҳудудий туризм инфратузилмасининг ривожланганлик ҳолати, ҳудуднинг туристик ресурслари жозибadorлиги, туризмнинг алоҳида турлари бўйича

худуднинг туристик ресурслари кўлами, транспорт қулайлиги, экологик қулайлик комплекс кўрсаткичга интеграцияланувчи туризм ресурслар салоҳиятини акс эттирувчи индекслардан фойдаланиш таклиф этилган. Мазкур методикани ишлаб чиқишда бэнчмаркинг усулидан фойдаланилди. Таклиф этилган услуб ёрдамида Самарқанд вилояти алоҳида худудлари туристик ресурслари салоҳияти баҳоланди.

**Калит сўзлар:** туризм, туристик ресурс, туристик салоҳият, миқдорий баҳолаш, компонентли баҳолаш, сифат жиҳатдан баҳолаш, интеграл кўрсаткич, туризм инфратузилмаси, туристик ресурс жозибадорлиги, экологик қулайлик, транспорт қулайлик.

**Кириш.** Сўнгги йилларда халқаро муносабатларнинг глобаллашуви шароитида жаҳон иқтисодиётидаги интеграцион жараёнлар доимий равишда деинтеграцион омиллар таъсири остида кечмоқда. 2019 йил декабрь ойининг охирида Хитойда COVID-2019 касаллигининг тарқалиши қайд этилди, бу ҳолат бугунга келиб бутун дунёни ижтимоий-иқтисодий сиёсатга муносабатини ўзгартиришига мажбур қилди. Коронавирус эпидемиясининг глобал таъсири дунёнинг барча жабҳаларига – иқтисодий, ижтимоий ривожланиш ва бошқа соҳаларга жиддий таҳдид солди. Дунё иқтисодий фаолиятининг деярли 90 фоизи коронавирус пандемиясидан қайсидир даражада таъсирланган. Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган иқтисодий зарар асосан ялпи талабнинг пасайиши билан боғлиқ. Ушбу таъсир айниқса авиокомпаниялар иқтисодий ҳолатига, туризм ва меҳмондорчилик соҳасига ўз жиддий таъсирини намоён этди.

XXI асрга келиб туризм ҳар бир инсоннинг ҳаёт тарзига айланиб бўлди ҳамда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий инқирозлардан кейин тез тикланиш хусусиятига эга. Шундай экан, бугунги кунда туризм соҳасини қайта тиклаш ҳамда соҳада шиддат билан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни дунёда вужудга келган санитария-эпидемиология ҳолатидан келиб чиқиб олиб бориш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ҳар бир худудда туризмни ривожлантириш дастурлари мазкур худудда мавжуд туристик ресурслар кўлами ва салоҳиятидан келиб чиқиб ишлаб чиқилиши лозим. Бу борада худуднинг туристик ресурслари салоҳиятини баҳолашнинг методик асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштириш масалалари алоҳида аҳамиятлидир.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Тадқиқотимизнинг назарий-услубий жиҳатлари хорижий тадқиқотчиларнинг туристик тармоқ иқтисодиёти ва рекреацион география соҳасидаги изланишлари асосида шаклланди. А.Г.Асмелаш, С.Кумар [1], А.Авила-Робинсон, Н.Вакабаяши [2], М.Кантейро, Ф.Кордово-Тапиа, А.Бразейрок [3], Н.Комерио, Ф.Строцци[4], С.К.Катлер, С.Доерти, Б.Кармакайл[5], Р.Доран, Д.Ганс [6], Ч.Ю.Лю, М.Панг, Ж.К.Янг, Д.Ванг[7], В.П.П.Понце, Ж.Ф.Р.Перез, И.П.Эрнандез[8], Ц.Розмана, М.Потоцник, К.Казек, А.Борец, Д.Майковиц, М.Боханец[9], М.Л.Цзенг, К.Ж.Ву, Ц.Х.Ли, М.К.Лим, Т.Д.Буй, Ц.Ц.Чен[10], Б.Баасаннами, Л.Баясгалан, Б.Шошвандан[11], Ю.А.Веденин[12], А.С.Кусков[13], Е.И.Богданов[14], Ю.А.Худеньких[15], А.Н.Дунец, Е.П.Крупочкин, А.А.Тельцова[16], Е.О.Ушакова, И.И.Золатарев, С.А.Вдовин[17] ва шу каби бир қатор хорижий тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида туристик худудларнинг ресурс салоҳиятини баҳолашнинг назарий-услубий жиҳатларига алоҳида урғу берилган.

**Методология.** Бугунги кунда худудларнинг туристик салоҳиятини баҳолаш борасидаги мавжуд барча услубиётларни қуйидаги иккита катта гуруҳга бўлишимиз мумкин:

– олинган натижалар мўлжалидан келиб чиққан ҳолда: миқдорий баҳолаш (иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга оширишда), сифат жиҳатдан баҳолаш (такқослаш учун) ва аралаш (миқдорий ва сифат ёндашувларидан бир ўринда фойдаланиш);

– ёндашувлар услубиётига боғлиқ равишда: компонентли баҳолаш (туристик салоҳиятни муайян бир туристик ресурс тури бўйича баҳолаш. Бироқ ушбу ёндашув фақатгина баҳоланаётган туристик ресурсни тавсифлаш имконини берсада, туристик салоҳият тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга имкон бермайди) ва комплекс баҳолаш

(туризмни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи барча унсурларни баҳолашга асосланади. Мазкур ёндашув ҳудуд туристик салоҳиятининг мазмун-моҳиятини бир мунча аниқ ва тўлиқ акс эттиради).

Айнан шу боис, ҳудудларнинг туристик салоҳиятини баҳолаш ва ҳисоб-китоб қилишда баҳолашнинг комплекс услубиётдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Туристик салоҳиятни тадқиқ қилиш ва уни баҳолаш масалаларига бағишланган кўп сонли ва турли-туман илмий изланишлар мавжуд. Бундай илмий изланишлар натижасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, туристик салоҳиятни баҳолаш борасида янгидан-янги услубиётлар таклиф қилинмоқда, улар муттасил тарзда қайта ишланиб, тўлдириб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, таклиф этилаётган туристик салоҳиятни баҳолаш усул ва услублари бугунги кун талабларига мослаштирилмоқда. Тадқиқот муаллифлари илгари муайян бир туризм тури ёки ресурслар блокига эътибор қаратган бўлсалар, бугунги кунда тадқиқотчилар муайян бир ҳудудда туристик фаолиятни ривожлантиришга хизмат қилувчи барча ресурс турларини ҳисобга олган ҳолда, бошқа туризм турларини ҳам тадқиқ қилишга катта эътибор қаратишмоқда. Бундай ёндашув туристик салоҳиятни баҳолаш борасидаги ёндашувларнинг аниқлигини оширишга ва ҳудуд туристик салоҳиятини тўлақонли баҳолашга хизмат қилади.

Қуйида туристик салоҳиятни баҳолаш борасидаги бир мунча муваффақиятли ёндашувларни таҳлил қилишга уриниб кўрамиз.

*Туристик салоҳият кўлами ва самарадорлигини баҳолаш борасида Е.И.Богданов томонидан ишлаб чиқилган услубиёт.* Ушбу услубиётда туристик салоҳият ресурсларнинг умумий ҳажми, туристик салоҳият даражаси, туристик салоҳиятдан фойдаланиш кўрсаткичи каби кўрсаткичларда ўз аксини топган. Е.И.Богданов туристик ресурс салоҳиятини комплекс баҳолашни туристик салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш шароитида ялпи даромадни ҳисоб-китоб қилиш ва ягона қиймат индексларини танлаб олиш имконини берувчи иқтисодий усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрича, маданий-тарихий объектлар, атроф-муҳит, аҳоли, дам олиш сифати, шунингдек иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳалари ривожига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда, муайян бир ҳудудга ташриф буюрувчи туристлар сони туристик салоҳиятнинг миқдорий кўрсаткичи сифатида хизмат қилиши мумкин.

Е.И.Богданов умумий туристик салоҳиятни баҳолаш борасида қуйидаги кўрсаткичлардан иборат иқтисодий интеграл усулдан фойдаланади: ресурсларнинг умумий ҳажми (айни чоғда баҳоланаётган ҳудуддаги ресурсларнинг энг юқори миқдори); туристик салоҳият кўрсаткичи (мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш ва туристик хизматларни сотишнинг мумкин бўлган энг юқори ҳажми); туристик салоҳиятдан фойдаланиш кўрсаткичи (туристик ресурсларнинг амалдаги қайтими) ва туристик салоҳиятдан фойдаланиш маҳсулдорлиги (туристик салоҳиятдан фойдаланиш натижасида олинган иқтисодий натижани бундай самарага эришиш учун талаб қилинувчи харажатларга нисбати сифатида аниқланади) [14].

Юқорида номи тилга олиб ўтилган муаллиф томонидан таклиф қилинган услубиётнинг ўзига хос ижобий жиҳати шундан иборатки, у туристик ресурсларнинг мавжудлиги ва уларнинг тегишлича сифатга эгаллиги шароитида, туристик салоҳиятнинг ўсишини башоратлаш имконини беради. Мазкур услубиётнинг камчилиги таклиф қилинаётган кўрсаткичларнинг етарлича такомиллиги етказилмаганлигида намоён бўлади.

Туристик-рекреацион салоҳият тузилмаси асосида Ю.А.Худеньких бир хил аҳамиятга эга бўлган табиий, тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий блокларни баҳолашни таклиф қилади. Ҳар бир блокни баҳолаш учун у муайян бир кўрсаткичлар тизимини таклиф қилади. Яқуний баҳолаш натижалари балларда ифодаланади, бунда ҳар бир ҳудуд туристик салоҳиятнинг табиий, маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий ташкил этувчиларидаги улуши аниқланади. Табиий ва маданий-тарихий блоклар бўйича балларнинг ҳисоб-китоби объектларнинг аҳамиятлилик даражаси (федерал, минтақавий ёки маҳаллий) мезони бўйича

амалга оширилади. Бир қатор кўрсаткичлар бўйича қўшимча коэффициентлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Табиий ёки маданий-тарихий меъроснинг машхурлиги (таниқлилиги) мамлакат ёки муайян бир аниқ ҳудуднинг энциклопедик нашрларда, шунингдек Интернет-ресурсларда тез-тез тилга олиб ўтилиши асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Туристтик ресурсларнинг ижтимоий-иқтисодий блокни баҳолаш иккита бир-бирига боғлиқ бўлмаган мустақил ташкил этувчиларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади:

–транспорт инфратузилмаси (бунда умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларининг зичлиги асосий мезон бўлиб хизмат қилади);

–махсус инфратузилма (иккита кўрсаткичнинг йиғиндиси сифатида аниқланади: ҳар 1000 кишига тўғри келувчи оммавий жойлаштириш воситалари сони ва маъмурий тузилманинг ҳар 1000 аҳолисига тўғри келувчи умумий овқатланиш объектлари сони).

Муаллиф томонидан баллик баҳолаш тизими таклиф қилинади, унга кўра, дастлаб, табиий, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий-маданий блоклар баҳоланади. Қолган блоклар натижаларни умумлаштиришда ҳисобга олинади. Ю.А.Худенькихнинг фикрича, туристик салоҳият туризмнинг нисбатан кенг кўламли танишув, соғломлаштириш, спорт, даволаниш ва ишбилармонлик каби турларига нисбатан баҳоланади. Ҳудуддан ташқарида истиқомат қилувчи турист субъект сифатида баҳоланади. Табиий блокни баҳолашда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган объектларга бир балл берилса, минтақавий аҳамиятдаги объектларга икки балл, федерал аҳамиятга эга бўлган объектларга уч балл, заҳирага олинган объектларга эса бир балл тақдим қилинади. Якуний натижа шунчаки баллар йиғиндисини эмас, балки муайян бир аниқ ҳудуд туристик салоҳиятининг табиий, тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий блокларидаги улушини ифода этади [15].

А.В.Дроздов томонидан таклиф этилган ҳудудларнинг туристик салоҳиятини баҳолаш услубиёти туристик салоҳиятнинг баҳоланиши лозим бўлган асосий ташкил этувчиларини ажратиб олишда ўз аксини топади. Ушбу унсурларни муаллиф иккита асосий қисмга ажратади: 1) табиий ва маданий ландшафтлар; 2) туристик турларни тақдим қилиш шарт-шароитлари ва воситалари. Бунда ҳайвонот ва ботаника боғлари, табиат ёдгорликлари ва шу каби маданий-тарихий қийматга эга бўлган экологик ва маданий-тарихий объектлар “табиий ва маданий ландшафтлар” блокига киритилади. “Туристтик турларни тақдим қилиш шарт-шароитлари ва воситалари” блокига муаллиф экологик транспорт воситалари, туристларни жойлаштириш объектлари, туристик ускуна ва жиҳозлар, малакали гид-экологлар, экологик жиҳатдан қулай манзил ва жойлар кабиларни киритади. Якуний натижа ва ҳулосага келиш учун муаллиф барча миқдорий кўрсаткичларни сифат кўрсаткичларига айлантиради. Муаллиф томонидан сифат шкаласининг қуйидаги даражалари фарқланади: жуда паст, паст, ўртача, юқори, жуда юқори. Шундан сўнг, сифат даражаларини беш ёки етти баллик баҳолаш тизимига ўтказишни таклиф қилади. Шундан сўнг балларни жамлаш амалга оширилади ва тегишли ҳулосалар берилади [18].

Туристтик ресурс салоҳиятини баҳолаш услубиётлари орасида М.В.Гудковских таклиф қилган услубиёт ҳам алоҳида ажралиб туради. Муаллиф Россия Федерациясининг Тюмень вилояти мисолида туристик ресурс салоҳиятини баҳолашнинг комплекс услубиётини амалга оширган. У катта ҳудудларда туристик салоҳият имкониятларидан оқилона фойдаланиш ва ҳудудни туристик жиҳатдан ўзлаштириш борасида таққосланма таҳлилни амалга оширишга имкон берувчи баланс усулидан фойдаланишни таклиф қилади. Мазкур усул туристик-рекреацион ресурсларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳажми борасида тасавурга эга бўлиш ва ҳудуднинг ҳар бир муниципал тузилмаси ва субъектида туристик фаолиятнинг устувор йўналишларини аниқлаштиришга имкон беради. Таклиф этилаётган услубиётда баланс усули ёрдамида кейинги босқичларни баҳолаш, баҳолаш мезонларини ажратиб олишга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳудуднинг туристик салоҳиятини шакллантиришга ҳисса қўшувчи барча омилларни ҳисобга олишга интилиш мазкур услубиётнинг асосий афзаллиги саналади. М.В.Гудковских томонидан таклиф этилган

худуд туристик ресурс салоҳиятини ҳисоб-китоб қилиш формуласи куйидагича кўринишга эга:

$$\text{ХТС}=(|T|+|MT|+|ИИ|+|ТБ|-|НО|+|ЭВ|), (1)$$

Бу ерда: Т-табiiй блок; МТ-маданий-тарихий ресурслар; ИИ-жтимоий-иктисодий шарт-шароитлар; ТБ-туристик блок; НО- ноқулай омиллар; ЭВ-экологик вазият [19].

Туристтик ресурс салоҳиятини баҳолашда Е.А.Ушакова, И.И.Золатарев, С.А.Вдовинлар жамоаси томонидан ишлаб чиқилган ёндашув алоҳида қизиқиш уйғотади. Муаллифлар жамоаси томонидан туризмни ривожлантириш ресурсларини яхлит баҳолашнинг комплекс услубиёти таклиф қилинган.

Туризмни ривожлантириш ресурсларини комплекс баҳолашни амалга ошириш олти босқичга бўлинади:

1. Баҳолаш объектини ажратиб олиш;
2. Баҳолаш субъектлари – худудда туристик фаолиятни ташкиллаштириш билан шуғулланувчилар, туристик хизматларнинг истеъмолчиларини ажратиб олиш;
3. Баҳолаш мезонларини шакллантириш, баҳолаш кўрсаткичлари ва баҳолаш шкаласини ишлаб чиқиш;
4. Баҳолаш учун зарур бўлган бирламчи ва иккиламчи маълумотларни тўплаш, олинган кўрсаткичларнинг ягона ўлчов тизимига ўтказиш;
5. Ресурслар гуруҳи бўйича туризмни ривожлантириш салоҳиятининг хусусий кўрсаткичлари қийматини ҳисоблаш, худудда туризмни ривожлантириш салоҳиятининг интеграл кўрсаткичини аниқлаш;
6. Кўрсаткичларни текшириш ва мувофиқлаштириш, натижаларни талқин қилиш [17].

Д.А.Дирин, Е.П.Крупочкин, Е.И.Голядкина томонидан таклиф қилинган туристик ресурслар салоҳиятини комплекс баҳолаш услубиёти олти кетма-кет босқичдан ташкил топади: аниқланувчи коэффициентларнинг чегаравий қийматларини аниқлаш ва баҳоланувчи етакчи омилларнинг рўйхатини тузиш борасида эксперт сўровларини ўтказиш; операцион худудий тузилмалар тармоғини ишлаб чиқиш; баҳолашга доир маълумотларни йиғиш ва уларни дастлабки таҳлил қилиш; MapInfoPro дастурий воситаларидан фойдаланган ҳолда мавзули ахборотлар банкини яратиш; интеграл кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш; рақамли моделларни яратиш; худуд туристик-рекреацион салоҳиятининг синтетик карталарини тузиш [20].

Умуман олганда, ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, туристик ресурс салоҳиятини баҳолаш борасида мавжуд услубиётлар аксарият ҳолатларда субъектив тавсифга эгаллиги билан ажралиб туради, улар муайян туристик дестинациянинг туристик-рекреацион салоҳиятини етарлича комплекс баҳолашга имкон бермайди.

К.В.Кружалин томонидан халқаро туризмни ривожлантириш борасида худудларнинг рекреацион салоҳиятини баҳолаш услубиёти таклиф қилинган. Салоҳиятни баҳолаш бир нечта босқичларда амалга оширилади. Биринчи босқичда туризмнинг бошқа турларига нисбатан устун мавқега эга бўлган ёки тадқиқ қилинаётган худудда ривожлантириш кўзда тутилаётган туризм турлари ажратиб олинади. Сўнгра, танлаб олинган туризм турларидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида худудларни ихтисослаштириш ва худуд салоҳиятини баҳолашга хизмат қилувчи кўрсаткичлар жорий қилинади.

Баҳолашнинг иккинчи босқичида танишув, даволаш-соғломлаштириш, спорт ва экологик туризм турларини ривожлантириш учун табiiй ресурсларни комплекс баҳолаш хариталари, шу билан бир қаторда, туристларни жойлаштириш воситалари билан таъминланганлик даражасини тавсифловчи хариталар тузилади. К.В.Кружалин тадқиқотларининг асосини мамлакатнинг у ёки бу худудларининг рекреацион салоҳиятини акс эттирувчи ҳар бир кўрсаткичга экспертли ёндашув асосида улушли коэффициент тақдим қилишга асосланган квалиметрик ёндашув ташкил қилади. Мамлакат худудларининг рекреацион салоҳиятини аниқлаш баллик баҳолаш усулидан фойдаланишга асосланади [21].

К.В.Кружалиннинг рекреацион салоҳиятни баҳолаш услубиётида асосан ҳудуд ёки субъектнинг мамлакат ялпи ишлаб чиқариши, ялпи инвестициялар, экспорт ва импортдаги улуши каби турли иқтисодий кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади. Айни чоғда К.В.Кружалин томонидан таклиф қилинган услубиётда туристик ресурслар, жойлаштириш воситаларидан ташқари ижтимоий-иқтисодий, маданий-тарихий ресурсларни баҳолаш масалалари эътибордан четда қолдирилади. Бу эса мазкур услубиёт ҳам такомиллаштиришга муҳтожлигини кўрсатади.

В.А.Рубцов ва С.А.Шабалиналар томонидан рекреацион салоҳиятни баҳолаш борасида таклиф қилинган услубиёт катта қизиқиш уйғотади. Мазкур услубиёт рекреацион салоҳият (табиий, тиббий-биологик, руҳий-эстетик, технологик ва бошқалар) ташкил этувчиларини баҳолаш ва уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ўрганишни кўзда тутди [22]. Улар туристик салоҳият таҳлилини баҳолаш мақсадини белгилаб олиш, шундан кейингина баҳолаш амалга оширилувчи бир қатор белгиларни ажратиб олишни таклиф қиладилар. Шуни таъкидлаш лозимки, улар айни чоғда ҳам миқдорий ва ҳам сифат тавсифига эга бўлиши мумкин. Сўнгра, танлаб олинган баҳолаш омилларининг аҳамиятлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда, кетма-кетликни шакллантириш амалга оширилади.

Навбатдаги босқич тадқиқ қилинаётган ҳудуднинг алоҳида операцион ҳудудий бирликларга ажратилиши билан тавсифланади. Бунда алоҳида операцион ҳудудий бирликларга ажратишда асос бўлиб хизмат қилган омилларнинг тавсифидан келиб чиққан ҳолда, операцион ҳудудий бирликлар тартибли тарзда жойлаштирилади.

Яқунловчи босқичда рекреацион салоҳиятнинг ҳар бир ташкил этувчисини макон жиҳатдан тасаввур қилишга имкон берувчи алоҳида компонентли хариталар (табиий-иқлим, меъморий-тарихий, техноген-экологик, спорт-кўнгилочар, зиёрат) яратилади. Компонентли хариталарни бир-бири билан бирлаштириш асосида жамланма харита яратилади. Мазкур услубиётда баҳолашлар аксарият ҳолатларда баҳолашларни амалга оширувчи субъектларнинг субъектив баҳолашлари ва қарашларига асосланган ҳолда амалга оширилади. Бу эса мазкур услубиёт ҳам нуқсонлардан ҳоли эмаслигини кўрсатади.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳудудий туристик ресурслар салоҳиятини баҳолаш борасидаги маҳаллий ва хорижий ёндашувларни ўрганиш бу борада мавжуд машҳур услубиётларнинг аксарият қисмидан Ўзбекистон шароитида уларнинг бошланғич шаклида ёки уларга муайян бир ўзгартириш ва қўшимчалари киритиш орқали амалда кенг фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда туризмга оид статистиканинг юритилиши имкониятларидан келиб чиққан ҳолдаги ҳудудий туристик ресурслар салоҳиятини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш давр талаби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан ҳудудий туризм статистикаси бўйича юритиладиган методологик ёндашувлар ва маълумотларга асосланиб, ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичини аниқлашда 7 та комплекс кўрсаткичга интеграцияланувчи 70 та индексдан фойдаланишни таклиф этдик. Мазкур методикани ишлаб чиқишда бенчмаркинг усулидан фойдаланилди.

Шундан келиб чиқиб, диссертация тадқиқоти давомида ҳудудий туристик ресурслари салоҳияти интеграл кўрсаткичини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган. Қуйида туристик ресурслари салоҳияти интеграл кўрсаткичини аниқлаш тартиби таклиф этилган:

$$TRS = TS \times w_1 + IS \times w_2 + TI \times w_3 + TJ \times w_4 + \frac{TR_n}{n} \times w_5 + TQ \times w_6 + EQ \times w_7,$$

$$0 < HR < 5, (2)$$

Бунда:

$TRS$  – ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичи;

$TS$  – ҳудуднинг табиий-иқлимий шароитлари;

$IS$  – ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги;

$TI$  – ҳудудий туризм инфратузилмасининг ривожланганлик ҳолати;

$TJ$  – ҳудуднинг туристик ресурслари жозибадорлиги;

$TR_n$  – туризмнинг алоҳида турлари бўйича ҳудуднинг туристик ресурслари кўлами (тадқиқотимиз давомида ҳудуднинг тарихий-маданий, зиёрат, рекреацион, тоғ-экстремал, этнографик, агроэкотуризм ресурслари кўлами кўриб чиқилди);

$TQ$  – транспорт қулайлиги;

$EQ$  – экологик қулайлик;

$W$  – субиндекснинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни.

Интеграл кўрсаткичга киритилган ҳар битта комплекс кўрсаткичнинг вазни уларга эксперт баҳолаш усули асосида балларни бириктириш орқали аниқлаш таклиф этилди. Экспертлар томонидан ҳар битта комплекс кўрсаткичнинг интеграл кўрсаткичдаги аҳамияти 0-5 балл тизимида баҳоланган. Бунда ҳар бир субиндекснинг алоҳида экспертга тегишли ҳисобланган вазни қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$EV_{ij} = \frac{E_{ij}}{\sum_{j=1}^m E_{ij}}; EV_{ij} > 0; i = \overline{1, n}; \sum_{j=1}^m EV_{ij} = 1, (3)$$

Бунда:

$EV$  –  $i$ -чи эксперт томонидан  $j$ -чи комплекс кўрсаткичга белгиланган вазн;

$E_{ij}$  –  $i$ -чи эксперт томонидан  $j$ -чи комплекс кўрсаткич вазнига берилган баҳо;

$m$  – комплекс кўрсаткичлар сони;

$n$  – экспертлар сони.

Комплекс кўрсаткичнинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$W_j = \frac{\sum_{i=1}^n E_{ij}}{\sum_{j=1}^m \sum_{i=1}^n E_{ij}}; W_j > 0; i = \overline{1, n}; \sum_{j=1}^m W_j = 1, (4)$$

Бунда:

$W_j$  –  $j$ -чи комплекс кўрсаткичнинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни;

$n$  –  $i$ -чи эксперт томонидан  $j$ -чи комплекс кўрсаткичга белгиланган вазн;

$E_{ij}$  –  $i$ -чи эксперт томонидан  $j$ -чи комплекс кўрсаткич вазнига берилган баҳо;

$m$  – комплекс кўрсаткичлар сони;

$n$  – экспертлар сони.

Таҳлил жараёнида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчилари, туман ҳокимлиги ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги Самарқанд вилояти бошқармаси ходимларидан иборат 25 та экспертлар иштирок этди.

$$KI_j = \frac{\sum_{k=1}^n V_k \times I_k}{\sum_{k=1}^n V_k}, 0 < SI_j < 5, (5)$$

Бунда:

$KI_j$  –  $j$ -чи комплекс кўрсаткич «Худуднинг табиий-иқлимий шароитлари»; «Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги»; «Худудий туризм инфратузилмасининг ривожланганлик ҳолати»; «Худуднинг туристик ресурслари жозибadorлиги»; «Туризмнинг алоҳида турлари бўйича ҳудуднинг туристик ресурслари кўлами»; «Транспорт қулайлиги»; «Экологик қулайлик») қиймати;

$I_k$  –  $k$ -чи меъёрлаштирилган (стандартлаштирилган) индекс;

$V_k$  –  $k$ -чи индекснинг комплекс кўрсаткичдаги вазни;

$n$  – кўрсаткичлар сони.

1-жадвал

**$j$ -чи комплекс кўрсаткичнинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни қийматлари**

субиндексларнинг вазнлари						
EV <sub>i1</sub>	EV <sub>i2</sub>	EV <sub>i3</sub>	EV <sub>i4</sub>	EV <sub>i5</sub>	EV <sub>i6</sub>	EV <sub>i7</sub>
0,16	0,09	0,16	0,16	0,13	0,16	0,16
0,18	0,18	0,18	0,07	0,18	0,07	0,14
0,13	0,13	0,16	0,16	0,16	0,16	0,13

0,13	0,13	0,16	0,16	0,16	0,16	0,13
0,19	0,11	0,19	0,11	0,19	0,11	0,11
0,11	0,07	0,19	0,19	0,19	0,15	0,11
0,18	0,14	0,18	0,11	0,18	0,11	0,11
0,14	0,14	0,14	0,14	0,14	0,14	0,14
0,11	0,11	0,18	0,14	0,18	0,14	0,14
0,14	0,14	0,14	0,14	0,14	0,14	0,14
<b>0,15</b>	<b>0,12</b>	<b>0,17</b>	<b>0,14</b>	<b>0,16</b>	<b>0,13</b>	<b>0,13</b>

Комплекс кўрсаткичлар «Худуднинг табиий-иқлимий шароитлари»; «Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги»; «Худудий туризм инфратузилмасининг ривожланганлик ҳолати»; «Худуднинг туристик ресурслари жозибadorлиги»; «Туризмнинг алоҳида турлари бўйича худуднинг туристик ресурслари кўлами»; «Транспорт қулайлиги»; «Экологик қулайлик») таркибига киритилган индекслар учун 1,0 қийматидаги тенг вазнлар ишлатилди. Бунда  $\sum_{k=1}^n V_k = S_k$ , интеграцияланувчи кўрсаткичлар умумий сонига тенг (KI<sub>1</sub> «Худуднинг табиий-иқлимий шароитлари» интеграл кўрсаткичда  $\sum_{k=1}^n V_k = 4$ , KI<sub>2</sub> «Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги» интеграл кўрсаткичда  $\sum_{k=1}^n V_k = 12$ , KI<sub>3</sub> «Худудий туризм инфратузилмасининг ривожланганлик ҳолати» интеграл кўрсаткичда  $\sum_{k=1}^n V_k = 12$ , KI<sub>4</sub> «Худуднинг туристик ресурслари жозибadorлиги» интеграл кўрсаткичда  $\sum_{k=1}^n V_k = 6$ , KI<sub>5</sub> «Туризмнинг алоҳида турлари бўйича худуднинг туристик ресурслари кўлами» интеграл кўрсаткичда  $\sum_{k=1}^n V_k = 29$ , KI<sub>5</sub> «Транспорт қулайлиги» интеграл кўрсаткичда  $\sum_{k=1}^n V_k = 3$ , KI<sub>5</sub> «Экологик қулайлик» интеграл кўрсаткичда  $\sum_{k=1}^n V_k = 4$ ).

Маълумки, келтирилган худудий туристик ресурслари салоҳиятини баҳолаш индекслари турли хил ўлчов бирликлари ва ўлчамларга эга. Ушбу кўрсаткичларни интеграл кўрсаткичга киритишда иқтисодий статистикада меъёрлаштириш (стандартлаштириш) усулларидан фойдаланилади. Уларнинг ичида кенг тарқалган усуллардан бири – бу “минимакс” бўйича чизикли меъёрлаштириш усулидир. Шу сабабли, худудий туристик ресурслар салоҳиятини аниқлаш ва баҳолаш учун келтирилган барча кўрсаткичларни куйида келтирилган формула ёрдамида меъёрлаштиришни таклиф этдик:

$$I_k = 4 \times \left( \frac{I_k - I_{\min}}{I_{\max} - I_{\min}} \right) + 1, 0 < I_k < 5, (6)$$

Бунда:

$I_k$  – k-чи меъёрлаштирилган (стандартлаштирилган) индекс;

$k_i$  – кўрсаткичнинг амалдаги қиймати;

$k_{\max}$  – кўрсаткичнинг максимал қиймати;

$k_{\min}$  – кўрсаткичнинг минимал қиймати.

Келтирилган усул ёрдамида худудий рақобатбардошлик индекслари меъёрлаштирилди.

Меъёрлаштирилган индекслар ҳамда уларнинг вазнлари қийматларидан фойдаланиб, худудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичи қиймати Самарқанд вилоятининг алоҳида худудлари учун баҳоланди (2-жадвал). Шунингдек, ҳар бир худуд учун, комплекс кўрсаткичлар ва уларнинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни қийматлари асосида, худудий туристик ресурслар интеграл кўрсаткичи қиймати аниқланди.

2-жадвал

**Самарқанд вилояти худудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичи қиймати**

худуд	TS	IS	TI	TJ	TR	TQ	EQ	TRS
Самарқанд ш.	0,39	0,58	0,60	0,55	0,46	0,54	0,35	3,47
Каттақўрғон ш.	0,48	0,27	0,47	0,09	0,23	0,35	0,44	2,33
Оқдарё т.	0,53	0,23	0,53	0,11	0,29	0,55	0,48	2,71
Булунғур т.	0,53	0,22	0,49	0,07	0,35	0,47	0,48	2,62



<b>Жомбой т.</b>	0,53	0,23	0,48	0,08	0,32	0,53	0,48	2,66
<b>Иштихон т.</b>	0,53	0,22	0,46	0,08	0,27	0,41	0,48	2,46
<b>Каттақўрғон т.</b>	0,58	0,21	0,50	0,08	0,30	0,29	0,52	2,48
<b>Кўшработ т.</b>	0,34	0,21	0,51	0,09	0,35	0,27	0,30	2,07
<b>Нарпай т.</b>	0,44	0,21	0,47	0,07	0,27	0,37	0,39	2,22
<b>Нуробод т.</b>	0,58	0,27	0,64	0,19	0,38	0,46	0,52	3,03
<b>Пайариқ т.</b>	0,58	0,21	0,56	0,07	0,25	0,33	0,52	2,52
<b>Пастдарғом т.</b>	0,34	0,23	0,46	0,09	0,22	0,41	0,30	2,06
<b>Пахтачи т.</b>	0,34	0,21	0,45	0,08	0,19	0,36	0,30	1,93
<b>Самарқанд т.</b>	0,53	0,26	0,66	0,11	0,45	0,67	0,48	3,15
<b>Тайлоқ т.</b>	0,39	0,23	0,50	0,12	0,21	0,54	0,35	2,34
<b>Ургут т.</b>	0,63	0,24	0,71	0,10	0,47	0,53	0,57	3,24

Тадқиқотимиз давомида туризмнинг алоҳида турлари (тарихий-маданий туризм, зиёрат туризми, агро-экотуризм, этнографик туризм, тоғ-экстремал туризми, рекреацион туризм) бўйича ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичлари қийматлари ҳам аниқланди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Туризмнинг алоҳида турлари бўйича ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичи қиймати

ҳудуд	тарихий-маданий туризм	зиёрат туризми	агро-экотуризм	этнографик туризм	тоғ-экстремал туризми	рекреацион туризм
<b>Самарқанд ш.</b>	4,76	4,69	2,13	3,84	0,95	3,20
<b>Каттақўрғон ш.</b>	2,19	2,54	1,84	2,96	1,55	2,32
<b>Оқдарё т.</b>	2,47	2,93	2,47	3,82	1,28	2,48
<b>Булунғур т.</b>	1,90	2,54	3,17	3,94	2,50	1,65
<b>Жомбой т.</b>	1,99	2,48	3,39	3,76	1,56	1,83
<b>Иштихон т.</b>	2,18	2,56	2,35	3,36	1,83	1,58
<b>Каттақўрғон т.</b>	2,06	2,83	2,89	3,02	2,44	1,77
<b>Кўшработ т.</b>	2,16	2,60	2,80	4	2,73	1,82
<b>Нарпай т.</b>	2,12	2,61	2,18	3,42	2,22	1,45
<b>Нуробод т.</b>	2,29	3,23	2,30	3,54	3,89	3,89
<b>Пайариқ т.</b>	2,70	3,77	2,18	2,84	2,22	1,71
<b>Пастдарғом т.</b>	2,15	2,66	2,28	2,96	1,17	1,76
<b>Пахтачи т.</b>	2,13	2,52	1,95	3,02	1,23	1,50
<b>Самарқанд т.</b>	2,88	3,25	3,19	4,46	3,88	2,96
<b>Тайлоқ т.</b>	2,20	2,64	2,70	3,02	1,17	2,04

Таҳлил натижасида қуйидаги ҳулосалар килинди:

1. “Ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти” интеграл кўрсаткичи бўйича Самарқанд вилоятида етакчи ўринларда Самарқанд шаҳри (TRS= 3,47), Нуробод тумани (TRS=3,03), Самарқанд тумани (TRS=3,15), Ургут тумани (TRS=3,24) эканлиги;

2. Тарихий-маданий туризм бўйича ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти кўрсаткичи бўйича Самарқанд вилоятида етакчи ўринларда Самарқанд шаҳри (TR=4,76), Ургут тумани (TR=3,08), Самарқанд тумани (TR=2,88), Оқдарё тумани (TR=2,5) эканлиги;




1-расм. Самарқанд вилояти ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичи қийматлари



2-расм. Тарихий-маданий ва зиёрат туризми бўйича ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичи қиймати



3-расм. Этнографик ва агро-эко туризм бўйича ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичи қиймати



**3-расм. Рекреацион ва тоғ-экстремал туризм бўйича ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичи қиймати**

3. Зиёрат туризми бўйича ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти кўрсаткичи бўйича Самарқанд вилоятида етакчи ўринларда Самарқанд шаҳри (TR= 4,69), Пайариқ тумани (TR= 3,87), Ургут тумани (TR= 3,57), Нуробод тумани (TR= 3,53), Самарқанд тумани (TR= 3,25) эканлиги;

4. Агроекотуризм бўйича ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти кўрсаткичи бўйича Самарқанд вилоятида етакчи ўринларда Жомбой тумани (TR=3,39), Булунғур тумани (TR= 3,17), Самарқанд тумани (TR= 3,19), Ургут тумани (TR= 3,16) эканлиги;

5. Этнографик туризм бўйича ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти кўрсаткичи бўйича Самарқанд вилоятида етакчи ўринларда Самарқанд тумани (TR=4,56), Ургут тумани (TR= 4,52), Қўшработ тумани (TR= 4), Оқдарё тумани (TR= 3,82) эканлиги;

6. Рекреацион туризм бўйича ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти кўрсаткичи бўйича Самарқанд вилоятида етакчи ўринларда Нуробод тумани (TR=3,89), Ургут тумани (TR= 3,05), Самарқанд шаҳри (TR=3,2) эканлиги

7. Тоғ-экстремал туризм бўйича ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти кўрсаткичи бўйича Самарқанд вилоятида етакчи ўринларда Ургут тумани (TR=4,56), Самарқанд тумани (TR= 3,89), Нуробод тумани (TR=3,88) эканлиги аниқланди.

### Хулоса

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти натижалари асосида Самарқанд вилояти алоҳида ҳудудларида туризм соҳасини диверсификациялаш позициясидан келиб чиқиб, манзилли дастурларни ишлаб чиқиш мумкин, хусусан:

1. Самарқанд шаҳри ва Ургут туманида зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича юқори салоҳият мавжуд бўлиб, Самарқанд вилоятининг бошқа туманлари туризмнинг мазкур турини ривожлантириш бўйича етарли туристик ресурсларга эга;

2. Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Самарқанд ва Ургут туманларида тарихий-маданий туризмни;

3. Оқдарё, Булунғур, Жомбой, Каттақўрғон, Қўшработ, Самарқанд, Тайлоқ, Ургут туманларида агро-экотуризмни;

4. Қўшработ, Нуробод, Самарқанд, Ургут туманларида тоғ-экстремал туризмни;

5. Самарқанд вилоятининг барча туманларида этнографик туризмни;

6. Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Нуробод, Самарқанд ва Ургут туманларида рекреацион туризмни ривожлантириш бўйича етарли туристик ресурслар мавжуд.

Шундай қилиб, ҳудуд иқтисодиётининг муҳим тармоғи сифатида туризм индустриясини шакллантириш ва уни барқарор ривожлантиришни биргина, бозор механизмлари орқали таъмин этиб бўлмайди, бунинг учун албатта давлат кўмаги талаб этилади. Айнан шу ўринда, давлат, хусусий-давлат шерикчилиги алоқаларини кўзда тутувчи ҳукумат, бизнес сектор, таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ўзаро

манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш асносида, ҳудуд даражасида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурлар ва инновацион лойиҳаларни изчил жорий этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим иқтисодий катализатор вазифасини ўтайди. Бу ўринда, инновацион ёндашувларга асосланган туристик кластерлар ҳудудий туризм инфратузилмасини такомиллаштириш орқали туристик ҳудуд рақобатбардошлигини оширишнинг энг самарали механизмларидан бири ҳисобланади.

#### Адабиётлар

1. Asmelash, A. G. & Kumar, S. (2019). Assessing progress of tourism sustainability: Developing and validating sustain-ability indicators. *Tourism Management*, 71, 67-83. DOI: 10.1016/j.tourman.2018.09.020.
2. Avila-Robinson, A. & Wakabayashi, N. (2018). Changes in the structures and directions of destination management and marketing research: A bibliometric mapping study, 2005-2016. *Journal of Destination Marketing & Management*, 10, 101-111. DOI: 10.1016/j.jdmm.2018.06.005.
3. Canteiro, M., Cordova-Tapia, F. & Brazeiroc, A. (2018). Tourism impact assessment: A tool to evaluate the environmental impacts of touristic activities in Natural Protected Areas. *Tourism Management Perspectives*, 28, 220-227. DOI: 10.1016/j.tmp.2018.09.007.
4. Comerio, N. & Strozzi, F. (2019). Tourism and its economic impact: A literature review using bibliometric tools. *Tourism Economics*, 25(1), 109-131. DOI: 10.1177/1354816618793762.
5. Cutler, S. Q., Doherty, S. & Carmichael, B. (2018). The experience sampling method: examining its use and potential in tourist experience research. *Current Issues in Tourism*, 21(9), 1052-1074. DOI: 10.1080/13683500.2015.1131670.
6. Doran, R. & Hanss D. (2019). Socially desirable responding: the case of self-reported values in tourism surveys. *Current Issues in Tourism*, 22(2), 127-132. DOI: 10.1080/13683500.2017.1310191.
7. Lu, C. Y., Pang, M., Yang, J. Q. & Wang, D. (2018). Research on Interactions between the Economy and Environment in Tourism Development: Case of Qingyang, China. *Sustainability*, 10(11), 312-332. DOI: 10.3390/su10114033.
8. Ponce, W. P. P., Perez, J. F. R. & Hernandez, I. P. (2019). Sustainable tourism assessment based on expert criteria on the coasts of Manabi, Ecuador. *Avances*, 21(1), 59-78.
9. Rozman, C., Potocnik, M., Pazek, K., Borec, A., Majkovic, D. & Bohanec, M. (2009). A multi-criteria assessment of tourist farm service quality. *Tourism Management*, 30(5), 629-637. DOI: 10.1016/j.tourman.2008.11.008.
10. Tseng, M. L., Wu, K. J., Lee, C. H., Lim, M. K., Bui, T. D. & Chen, C. C. (2018). Assessing sustainable tourism in Vietnam: A hierarchical structure approach. *Journal of Cleaner Production*, 195, 406-417. DOI: 10.1016/j.jclepro.2018.05.198.
11. Baasannamjii, B., Bayasgalan, L. & Shoshvandan, B. (2015). The complex assessment of tour-recreational potential of Uvs province of Mongolia. *Journal of agricultural sciences*, 15(02), 130-133. DOI: doi.org/10.5564/mjas.v15i2.559.
12. Vedenin, Yu. A. (1982). *Dinamika territorialnykh rekreatsionnykh sistem [Dynamics of territorial recreational systems]*. Moscow: Nauka, 190. (In Russ.)
13. Kuskov, A. S. (2008). *Turistskoe resursovedenie [Tourist resource studies]*. Moscow: "Academy" Publ., 208. (In Russ.)
14. Bogdanov, E. I. (2005). *Planirovanie na predpriyatii turizma [Planning for a tourism enterprise]*. Saint-Petersburg.: Biznes-prensa Publ, 288. (In Russ.)
15. Khudenkikh, Yu. A. (2006). *Podkhody k otsenke turistskogo potentsiala territorii na primere rayonov Permskogo kraya [Approaches to the assessment of the tourist potential of the territory on the example of areas of the Perm Territory]*. *Geografiya i turizm: sbornik nauchnykh trudov [Geography and tourism: a collection of scientific papers]*, 217-230. (In Russ.)
16. Dunets A. N., Krupochkin E. P. & Teltsova A. A.. (2011). *Otsenka turistsko-rekreatsionnogo potentsiala dlya tseley ter-ritorialnogo planirovaniya [Estimation of Tourist-recreational Potential for the Purposes of Territorial Planning]*. *Izvestiya Altayskogo gosudarstvennogo universiteta [Izvestiya of Altai State University]*, 3-2(71), 108-113. (In Russ.)

17. Ushakova, E. O., Zolotarev, I. I. & Vdovin, S. A. (2014). Metodologicheskie osnovy otsenki resursov razvitiya turizma regiona [Methodological basis for assessing the resources of tourism development in the region]. Novosibirsk: SGGGA Publ., 194. (In Russ.)

18. Дроздов А. В. Выявление, оценка и использование туристских ресурсов России. Современная ситуация, проблемы и пути их решения // Актуальные проблемы туризма: сб. науч. тр. Российской международной академии туризма. — Вып. 1 — М. : Меркурий, 2007 — С. 228–250.

19. Гудковских М. В. Методика комплексной оценки туристско-рекреационного потенциала // Географический вестник. — 2017 — № 1 (40). — С. 102–116.

20. Дирин Д. А., Крупочкин Е. П., Голядкина Е. И. Методика комплексной оценки туристско-рекреационного потенциала региона // География и природопользование Сибири. — 2014 — № 18 — С. 64–78.

21. Кружалин К.В. Экономико-географическая оценка рекреационного потенциала России для развития международного туризма: Учебное пособие для вузов / К.В.Кружалин . - М.: 2002. - 156с.

22. Рубцов В.А., Шабалина С.А. Оценка рекреационного потенциала и развитие внутреннего туризма в Республике Татарстан // Туризм и региональное развитие: мат. III междунар. науч.-практ. конф. Смоленск: Универсум, 2004. С. 376-381.

УДК 338.48

**О.О. Сайфуллоев**  
БухДУ Иқтисодиёт кафедраси  
таърих докторанти (PhD)

## **АГРОТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОҲАГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

### **Аннотация:**

Мақолада иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларининг фаолият юритиши ҳамда ривожланишида жалб этилаётган инвестиция маблағларининг ўрни, туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг ижтимоий-иқтисодий самараси, агротуризмнинг тавсифи, агротуризмни ривожлантириш ҳамда соҳага инвестицияларни фаол жалб қилишнинг имкониятлари, агротуризмнинг қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожланишини таъминлашдаги аҳамияти, инвестицияларнинг агротуризм соҳаси ривождаги ўрни, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва ҳаёти билан яқиндан танишишни истаган ғарб сайёҳлари орасида СВТ туризмнинг оммалашиб бораётганлиги тўғрисидаги фикрлар келтирилган.

### **Калит сўзлар:**

Инвестиция, етакчи тармоқ, туризм, қишлоқ туризми, агротуризм, бошқарув, туризм хизматлари, сайёҳ, қишлоқ хўжалиги, СВТ туризм

**Қириш.** Иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларининг фаолият юритиши ҳамда ривожланишида жалб этилаётган инвестиция маблағлари муҳим роль ўйнайди. Инвестициялар ҳажмидаги ижобий миқдорий ўзгаришлар ижтимоий ишлаб чиқариш ва бандлик ҳажмига, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, тармоқлар ва иқтисодиёт соҳаларининг ривожланишига туртки беради. Шу сабабли, ҳар бир мамлакат учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг устувор йўналиши сифатида миллий иқтисодиётга инвестиция маблағларини жалб этишнинг жозибадор муҳитини